
Туманда референдумга доир ўқув машғулоти ўтказилмоқда

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти ҳамда референдум ўтказиш тартибини етказиш мақсадида Бағдод туманида ўқув машғулоти ўтказилмоқда.

Ўқув машғулотида, референдум ўтказувчи участка раислиги, раис ўринбосарлиги ва котиблиги номзодлар қатнашмоқда. Референдум ўтказиш бўйича Фарғона вилояти Оқруғ комиссияси томонидан бириктирилган ҳудудий тренерлар томонидан ўтказилаётган ўқув машғулотида олдинда турган муҳим сиёсий воқелик - референдум жараёни юзасидан зарур маълумотлар ва тушунтиришлар берилмоқда.

Ўқув машғулоти жараёнида туман ҳоқими Юсуфжон Хусаинов ҳам қатнашиб, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси ҳамда киритилаётган ўзгаришлар юзасидан сўз юритди.

Тасдиқланган режага асосан мазкур ўқув машғулоти тумандаги педагогика коллежида 24 мартдан 1 апрелга қадар давом этади.

Бағдод тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати.

2023-03-29 15:19:28